

**Халқ таълими вазирлиги томонидан 2022 йилда амалга  
оширилган ишлар тўғрисида  
МАЪЛУМОТ**

Бугунги кунда халқ таълими тизимида **10 104** та умумтаълим мактабида **6,4** млн. нафар ўқувчига таълим беришда **509** мингдан ортиқ ўқитувчилар фаолият юритмоқда.

**I. Мактаб таълимини ривожлантириш борасида қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар:**

1. 2022 йилда халқ таълимида ислохотларни амалга ошириш бўйича **16** та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан, **2** та Президент Фармони, **5** та Президент қарори, **1** та Президент Фармойиши ва **9** та Ҳукумат қарори тасдиқланди;

2. 2022-2026 йилларда Халқ таълими тизимини ривожлантиришнинг Миллий дастури қабул қилинди.

3. Мактаб таълимини ислоҳ қилиш бўйича Миллий кенгаш, **14** та Ҳудудий кенгаш, **209** та туман (шаҳар) кенгашлари ташкил этилди. Ҳар бир ҳудуднинг мактаб таълимини ривожлантириш манзилли дастурлари тасдиқланди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 июндаги ПҚ-290-сон қарори билан Тошкент давлат педагогика университети Халқ таълими вазирлиги тасарруфига ўтказилди ва университетни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида трансформация офиси ташкил этилди.

**II. Таълим сифатини ошириш ва педагоглар салоҳиятини юксалтириш борасида:**

1. Ўзбекистон тарихида илк бор, мактабларда PISA халқаро баҳолаш тадқиқотларида иштирок этди.

PISA-2022 дастури бўйича **191** та мактабда 15 ёшли ўқувчилар орасидан **6 969** нафарида тест синовлари ҳамда сўровномалар ўтказилди (натижалар 2023 йил декабрда эълон қилинади).

2. Нуфузли халқаро олимпиадаларда **6** та медал (**4** та кумуш, **2** та бронза); Минтақавий олимпиадаларда **39** та медал (**3** та олтин, **13** та кумуш, **23** та бронза) қўлга киритилди. Ушбу ўқувчилар ва уларнинг устозларига жами **1,3** млрд. сўм пул мукофотлари берилди.

3. Миллий ўқув дастури Тошкент, Жиззах, Қашқадарё вилоятларида уч босқичда тажриба-синовдан ўтказилиб барча умумий ўрта таълим мактабларига жорий қилинди.

4. 2021/2022 ўқув йилида умумтаълим мактабларини тамомлаган **385 437** нафар битирувчиларнинг **85 869** нафари (22,3%) олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинди.

5. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари учун янги методик хизмат кўрсатиш тизими яратилди ва “Методик кун” ва “Фан ойликлари” бекор қилинди.

6. **473 854** нафар ўқитувчининг **7** та компетенция бўйича малакаси оширилиб касбий салоҳияти **53,4%** дан **85%**га кўтарилди, **8** та

компетентлик асосида **7 228** нафар мактаб директори малакаси оширилиб, уларнинг билим кўникмалари **44,3%** дан **88,4%** га ошди.

7. Илк бор **755 нафар** мактаб ўқитувчилари **нодавлат таълим ташкилотларида** малака оширдилар.

8. Узлуксиз касбий ривожлантириш (малака ошириш) курслари учун **33 та** фан йўналишларининг контенти, жумладан, **1 120 та маъруза**, **1 120 та тақдимот**, **1 120 та видеодарс**, **7 840 та** қўшимча адабиётлар, **7 308 та** тест топшириқлар яратилди ва электрон платформага жойлаштирилди.

### III. Ўқитувчиларни рағбатлантириши борасида:

1. Халқ таълими тизимидаги малакали педагог ходимларни қўшимча рағбатлантириш мақсадида **Халқ таълими Вазири жамғармаси** фаолияти йўлга қўйилди.

2. Тизимдаги мактаб кутубхоналари ва “Болалар кутубхоналари” ходимларининг лавозим маоши миқдори **1,2 бараварга** оширилди.

### IV. Ўқувчиларни касбга йўналтириш бўйича:

1. 2022 йилда мактабларни тамомлаган **385 839 нафар** ўқувчиларнинг **136 649 нафари** (35,4 %) ОТМларга ўқишга кирган, **113 979 нафари** (29,5 %) ўзини-ўзи банд қилган, **33 116 нафари** (8,6 %) ишга жойлашган, **18 187 нафари** (4,7 %) тадбиркорлик фаолиятини бошлаган, **5 165 нафари** (1,3 %) чет давлатларга, **2 528 нафари** (0,7 %) ҳарбий хизматга кетган, **790 нафари** (0,2 %) бошқалар (ногирон ва вафот этган) битирувчилардир.

2. **14 474 нафар** 11-синф битирувчилари касб-ҳунар ва тадбиркорлик курсларида ўқиб шундан, **9 113 нафар** битирувчи тегишли сертификат олган ва **3 677 нафар** битирувчига имтиёзли кредитлар берилган.

3. **18 та** умумтаълим фанлари бўйича 1-11-синфлар учун яратилаётган Миллий ўқув дастурларига **302 та** касбга оид мавзулар киритилди.

4. Ўқувчиларни замонавий касбларга ўқитиш ва йўналтириш мақсадида “Milliy ta’lim resurslari”да **25 дан** ортиқ замонавий касбларни ўргатувчи IT-соҳаларидаги **700 дан** ортиқ, “profnavigator.uz”да **450 дан** зиёд видео-дарсликлар, видео-контентлар, тақдимотлар ҳамда профессиограммалар жойлаштирилди.

### V. Маънавий — маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва ижтимоий ҳимояни кучайтириш йўналишида:

1. Маънавий маърифий ва тарбиявий ишларни ташкил этишни янги сифат даражасига олиб чиқиш мақсадида мактаблардаги **ички тартиб ва одоб-ахлоқ қоидалари** янги таҳрирда қайта тасдиқланди.

2. “Меҳрибонлик” уйлари ва Болалар шаҳарчаларини босқичма-босқич ноинституционаллаштириш дастури асосида уларнинг сони

**22** тадан **3** тага, болалар сони **1 785** нафардан **272** нафаргача камайди.

*Натижада, фаолияти тугатилган ушбу муассасаларда тарбияланган болаларнинг **140 нафари** ота-онасига, **267 нафари** васийликка (ҳомийликка), **97 нафари** патронатга берилди. **719 нафар** тарбияланувчилар эса оилавий болалар (134 та) уйларига тарбияга олинди.*

**3.** 2022 йилда **195** та мактабларда инклюзив синфлар ташкил этилиб, **504** га яқин ногиронлиги бўлган болалар таълим олиши учун шароит яратилди.

**VI. Мактабдан ташқари таълим, спорт ва туризмни ташкил этиш йўналишида:**

**1.** “Баркамол авлод” болалар мактабларида ташкил қилинган **11 432** та тўғаракларга **368 143 нафар** ўқувчи-ёшлар қамраб олиниб **117 нафар** ўқувчи-ёшлар халқаро танловларда иштирок этган.

**2.** **3** та “Баркамол авлод” болалар мактаби (*Сурдарёда 1 та, Бухорода 2 та*) янгидан қурилди, **1** та “Баркамол авлод” болалар мактаби (*Яккасарой тумани*) капитал таъмирланди, **1 таси** (*Шайхонтохур тумани*) реконструкция қилинди. Тошкент шаҳрида “Болалар кутубхонаси” янгидан қурилди.

**3.** Республика болалар кутубхонаси томонидан **120** номдаги аудио китоблар тайёрланиб, “*kitob.uz*” веб-сайтига жойлаштирилди.

**4.** Умумтаълим мактабларида спортнинг **14** та туридан ташкил этилган **64 505** та спорт секцияси машғулотларида **1,5 млн. нафар** (*шундан 570 209 нафар қизлар*) ўқувчи-ёшлар шуғулланиб келмоқда.

**5.** “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил” дастури доирасида ташкил этилган саёҳатларга **411 460 нафар** ходимлар, ўқитувчилар ва ўқувчилар жалб этилди. Шунингдек, **242 300 нафар** ўқувчи-ёшларнинг музейларга ташрифлари ташкил этилди.

**6.** Ёзги таътил давомида **207** та стационар оромгоҳда **159 333 нафар** (**107%**) болалар ҳордиқ олишди. Шунингдек, **1 594** та таълим муассасаларида соғломлаштириш майдончалари (бепул) ташкил этилди ва **243 066 нафар** (**163,5%**) болалар дам олдирилди.

Стационар оромгоҳларга **4 683** нафар, соғломлаштириш майдончаларига **9 260 нафар** педагоглар жалб қилинди.

**7.** **5** та муҳим ташаббус доирасида тасвирий санъат, мусиқа, спорт, ахборот технологиялари, қизларга касб ўргатиш йўналишидаги тўғараклар ва китобхонлик клубларига жами **3,6 млн. нафар** ўқувчилар қамраб олинди.

**8.** **15** та умумтаълим мактабларида “Замин” ҳайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда “Эко мактаб” лойиҳаси амалга оширилди.

**VII. Таълимни рақамлаштириш йўналишида:**

**1.** Аттестат дубликати олиш учун бевосита онлайн мурожаат қилиш имконияти яратилди ва дубликат олиш муддати

**7 кун** деб белгиланди (аввал фуқаро мактабга бориб, 3 та ҳужжат тақдим этиши ва 30 кунгача кутишига тўғри келган).

2. Хорижий давлатларда умумий ўрта ва ўрта таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш (ностирификация) бўйича давлат хизмати кўрсатиш ҳам **давлат хизматлари маркази** ёки **my.gov.uz электрон портали** орқали амалга ошириш йўлга қўйилди.

3. Ўқувчи-ёшларни бўш вақтларини самарали ўтказиш, масофавий таълим имкониятларини кенгайтириш мақсадида “**Масофавий таълим платформаси ахборот тизими (Maktab.uz)**” ишлаб чиқилиб, унга мактаб ўқув дастурига тегишли **14 080** тадан зиёд видео контент, **6 372** та тақдимот ва **708** та қўшимча видео ресурслар жойлаштирилди.

4. **2 610** та (Корея Республикаси Эксимбанк кредит маблағлари доирасида **951** та) компьютер мактабларга етказиб берилди.

5. Республика ва маҳаллий бюджет **645** та компьютер синфлари, **800** та интерактив доскалар жойларга етказилди.

6. **10 100** та (99,9%) умумтаълим мактаблари кенг полосали Интернет ўтказилиб, “**Education**” тариф режасидаги интернетдан фойдаланиш йўлга қўйилди.

7. **10 185** та умумтаълим мактаблари ва “Баркамол авлод” боллар мактабларининг **12 мингдан** ортиқ компьютер синф хоналари ва **10 мингдан** ортиқ ўқув ишлар бўйича директор ўринбосари хонаси ички локал тармоқ ҳамда ўқитувчилар хонаси Wi-Fi қурилмалари билан таъминланди.

8. Педагоглар учун шахсий ва касбий ривожлантириш бўйича **600** дан ортиқ миллий сегментдаги электрон видео контентлар ишлаб чиқилди.

9. 1-4 синф ўқувчилари учун **120** та 3D анимацион шаклдаги мултипликацион контентлар ишлаб чиқилди.

10. Ўқувчи-ёшларни бўш вақтларини самарали ўтказиш, масофавий таълим имкониятларини кенгайтириш мақсадида, **Maktab.uz** платформаси ишлаб чиқилиб, унга мактаб ўқув дастурига тегишли **14 080** тадан зиёд видео контент, **6 372** та тақдимот ва **843** та қўшимча видео ресурслар жойлаштирилди.

### **VIII. Моддий техник-базани яхшилаш борасида:**

1. **791** та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, натижада **120** минг янги ўқув ўринлари яратилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сон қарори асосида **322** та, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида **225** та, Давлат раҳбарининг ҳудудларга ташрифлари давомида берилган топшириқларига кўра **34** та умумтаълим мактабларида қурилиш-таъмирлаш ишлари якунланди.

3. Республикадаги **128 та** хом-ғишт ва лой-пахсадан қурилган **мактаб филиалларини** республика бюджети маблағларини жалб этган ҳолда қайта барпо этилиб, фойдаланишга топширилди.

4. “Ташаббусли бюджет” (Опен бюджет) лойиҳаси асосида **942 та** таълим муассасалари ғолиб деб топилиб, уларга давлат бюджети томонидан **1 трлн. сўмга** яқин маблағлар ажратилиб моддий-техник таъминоти ва инфратузилмалари яхшиланди.

5. Халқ таълими муассасаларида электр энергия сарфини камайтириш мақсадида, **147 та** мактабга қайта тикланувчи (*қуёш электр панеллари ва қуёш сув иситиш қурилмалари*) энергия манбалариги жорий қилишга эришилди.

6. Ичимлик суви ташиб келтириладиган **166 та** халқ таълими муассасалари узлуксиз тоза ичимлик суви билан таъминланди.

7. **455 та** умумтаълим мактабларига режалаштирилган жиҳозлар етказиб берилди.

9. Қорақалпоғистон Республикасида **720 та**, Хоразм вилоятида **523 та** умумтаълим мактабларнинг **жами 280 802 нафар** 1-4-синф ўқувчиларини бепул кейтеринг усулида овқатлантириш ишлари ташкил этилди.

10. “**Яшил макон**” умуммиллий лойиҳаси доирасида халқ таълими тизимидаги объектларда **2 млн. 658 минг 321 туп** (*943 496 та манзарали, 710 237 та мевали, 1 004 588 та бута*) кўчатлар экилди.